Private cloud (частное "облако") - это безопасная IT-инфраструктура, контролируемая и эксплуатируемая в интересах одной единственной организации. Данная организация может управлять частным "облаком" самостоятельно или поручить эту задачу внешнему подрядчику. Инфраструктура может размещаться в помещениях заказчика, у внешнего оператора или частично у заказчика и частично у оператора. Частное "облако" является самым безопасным из всех видов облачных технологий.

Hybrid cloud (гибридное "облако") - это IT-инфраструктура, использующая лучшие качества публичного и частного "облаков" при решении поставленной задачи. Часто такой тип применяется, когда организация имеет сезонные периоды активности. То есть, как только внутренняя IT-инфраструктура не справляется с текущими задачами, часть мощностей (например, большие объемы статистической информации) перебрасывается на публичное "облако".

Основные принципы, заложенные в концепцию cloud computing, заключаются в том, что:

- пользователь выбирает вычислительные потребности по собственному усмотрению;

- ресурсы объединяются в единый пул, с возможностью их оперативного перераспределения;
- доступ по сети передачи данных является универсальным;
- услуги могут предоставляться, расширяться или сужаться в автоматическом режиме, практически без затрат времени;
- автоматически подсчитываются потребленные ресурсы.

С учетом того, что назначение облачных технологий заключается в предоставлении вычислительных мощностей, программного обеспечения и платформ, как услуг, базовые бизнес-модели облачных вычислений названы Platform-as-a-Service (PaaS), Infrastructure-as-a-Service (IaaS), Application-as-a-Service (AaaS), и т. д. Существующие сегодня облачные вычисления предоставляют следующие типовые услуги:



Cloud computing предоставляют широкие возможности, как для частных предпринимателей, предприятий различной формы собственности и направлений, так и для простых пользователей компьютеров (физических лиц). Работа с новыми Интернет-сервисами не предполагает покупку супермощных компьютеров для проведения расчетов, дорогостоящих программ и программного обеспечения.

В первую очередь облачные технологии представляют интерес для компаний, заинтересованных в мобильности сотрудников и оперативности работы. Анализ, проведенный "IKS Consulting", показывает, что основная часть современных компаний имеет опыт применения облачных технологий в бизнес-задачах (рис. 1).



Рис. 1 Доля компаний, имеющих опыт применения облачных решений в бизнес-задачах

Любое из множества cloud computing (Google, Amazon, Microsoft и т.д.) имеет как преимущества, так и недостатки.

К очевидным достоинствам облачных технологий можно отнести:

- мобильность;
- удобство использования;
- экономическую эффективность;
- отсутствие потребности в собственной инфраструктуре и специалистах по сопровождению;
- более низкую потребность в инвестициях;
- низкую стоимость владения;
- эффективное использование бюджетных средств на информатизацию;
- предоставление виртуального места объемом до 5-7 Гб;
- доступ к информации в облаке с любого устройства, поддерживающего Интернет-подключение, с любой страны мира;
- возможность коллективного доступа к чтению и редактированию файлов;
- защищенность от вирусов;
- отсутствие возможности потери данных;
- возможность работать в браузерах любых операционных систем;
- исключение потери важной информации, так как она хранится на удаленном сервере;
- использование самой последней версии программ без необходимости отслеживать обновления.

Несмотря на коммерческий успех ряда проектов, существуют объективные трудности в реализации подобных инфраструктур. Среди недостатков cloud computing можно указать:

- необходимость нового подхода в архитектурном планировании IT-систем;
- отсутствие единых стандартов построения облачных инфраструктур;
- отсутствие правового регулирования этой проблемы в целях информационной безопасности;
- привыкание к пользовательскому web-интерфейсу компании, которая предоставляет услуги по хранению информации в "облаке".

Кроме организационных проблем, связанных с внедрением облачных технологий, существует ряд технических сложностей, которые в настоящий момент не преодолены в существующих решениях:

- недостаточная автоматизация управления облачной инфраструктурой является одной из самых важных проблем, которые предстоит решить разработчикам и архитекторам;
- остается нерешенным вопрос автоматического взаимодействия подсистем внутри "облака";
- кроме известных задач обеспечения безопасности, таких как разграничение доступа, шифрование данных и предоставление доверенных каналов связи, в облачных системах возникают дополнительные проблемы - так как ряд моделей предусматривает совместное использование ресурсов, то необходимо обеспечивать изоляцию виртуальных машин и процессов, принадлежащих различным пользователям на всех уровнях информационной системы;
- в настоящее время множество производителей программного обеспечения используют в своих решениях закрытые протоколы взаимодействия, что является серьезным препятствием в продвижении облачных систем на рынок.

Тем не менее, специалисты прогнозируют, что в ближайшие десять лет облачные вычисления будут влиять на нашу жизнь следующими способами:
- приложения в "облаке" заменят приложения для наших локальных устройств;
- информация станет дешевле, доступнее и ее будет легче найти, потому что "облако" удешевляет масштабирование приложений и подключений к постоянно включенным сетям, таким, как операторы беспроводной связи, которые делают информацию всегда доступной;
- "облако" сделает доступными новые социальные сервисы, подключив пользователей через социальные сети, которые построены с использованием нескольких облачных сервисов.

Кроме того уже сегодня благодаря своим сервисам облачные технологии предоставляют практически безграничные возможности конечным пользователям вычислительных мощностей и новые рабочие места для IT-специалистов, которые способны настраивать и сопровождать "облака".

Нельзя не упомянуть об облачном хостинге в Узбекистане. Данный вид услуг предоставляют такие компании, как Интернет-провайдеры "SHARQ TELEKOM", "SARKOR TELEKOM", ООО "BILLUR COM", провайдер облачных услуг "vClouds". Основными направлениями деятельности данные компании определяют популяризацию облачных технологий на рынке Узбекистана, оптимизацию IT-инфраструктуры для ее дальнейшего развития и сокращения IT издержек у клиента, постоянное отслеживание трендов рынка и выработку предложений по наиболее современным и надежным IT-решениям.

Компании, предоставляющие облачный хостинг в Узбекистане, придерживаются следующих принципов:
- отказоустойчивость клиентских ресурсов - внутренняя инфраструктура построена на абсолютно новом, мощном оборудовании от ведущих мировых производителей аппаратного и программного обеспечения, поэтому вероятность того, что сайт/почта не будут работать, весьма мала;
- доступные цены - выбирая облачные технологии для своего бизнеса, клиент уже экономит, так как основная часть расходов приходится на покупку аппаратного и программного обеспечения, установку и техническое обслуживание;
- 24 / 7 / 365 техническая поддержка - для клиентов облачного хостинга работает техническая поддержка в режиме 24 часа / 7 дней в неделю / 365 дней

в году, а технические специалисты всегда готовы помочь клиентам компании в режиме online;

- инновационный подход в работе - приобрести любую услугу можно за 6 шагов в максимально сжатые сроки на сайте через любое доступное устройство - компьютер или смартфон;
- профессиональная экспертиза - менеджеры компании - профессионалы своего дела, которые на любом этапе покупки окажут качественный консалтинг;
- решения "под ключ" - сотрудники компании проведут подробный анализ инфраструктуры, найдут все недочеты и предложат оптимальное решение под любой бюджет.

Проанализировав все выше сказанное, мы можем сделать вывод в том, что сегодня использование облачных технологий в любых сферах, от хранения документов простыми пользователями, до систем крупного бизнеса - это своеобразный компромисс между широкими возможностями с одной стороны, и определенными рисками с другой. Баланс между их очевидными преимуществами и имеющимися недостатками пока не найден. Вместе с тем, облачные технологии активно развиваются и можно констатировать, что у cloud computing, в том или ином качестве, большое будущее.

Литература

1. Злобин Е.В. Облачные технологии хранения данных - возможности для историков.// Информационный бюллетень Ассоциации "История и компьютер". № 37. Материалы XIII конференции Ассоциации "История и компьютер.- М.:, МГУ, 2012.
2. Материалы XIX Международной научно-практической конференции "Документация в информационном обществе: "облачные" технологии и электронный документооборот".- М.: ВНИИДАД, 2012.
3. Широкова Е. А. Облачные технологии. - Уфа: Лето, 2011.
4. Вычислительные системы, сети и телекоммуникации: Учебник. Пятибратов А.П. и др.- М.: Просвещение, 2004.
5. Склейтер Н. Облачные вычисления в образовании: Аналитическая записка/ Пер. с англ. Институт ЮНЕСКО по информационным технологиям в образовании. -М.: Издательство МГУ, 2010
6. Gillam, Lee. Cloud Computing: Principles, Systems and Applications / Nick Antonopoulos, Lee Gillam. - L.: Springer, 2010.
7. Sosinsky, Barrie. Cloud Computing Bible. Copyright ©, 2011 by Wiley Publishing. Inc,. Indianapolis. Indiana.

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

Газиев Учкун Абдуллаевич
к .т.н. профессор.
Шакиров Туйғунжон Турғунович
т.ф.н. доц.,
Матёкубов Бобиржон Аллаёрович
Магистр
Тошкент темир йўл мухандислари институти

ЕНГИЛ БЕТОНЛАР УЧУН ҒОВАКЛИ ТЎЛДИРУВЧИЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТАСАВВУРЛАР

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9696-2019-4-5

Газиев Учкун Абдуллаевич
Научный руководитель: к .т.н.профессор.
Шакиров Туйғунжон Турғунович
т.ф.н. доц.
Матёкубов Бобиржон Аллаёрович
магистр
Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта

СОВРЕМЕННОЕ ПРОИЗВОДСТВО ПОРИСТЫХ ЗАПОЛНИТЕЛЕЙ ДЛЯ ЛЕГКОГО БЕТОНА

Gaziyev Uchqun Abdullaevich
Scientific adviser: Ph.D.Professor,
Shakirov Tuyg'unjon Turg'unovich
Ph.D. Docent
Matyokubov Bobirjon Allayorovich
Master
Tashkent institute of railway engineering

MODERN PRODUCTION OF POROUS AGGREGATES FOR LIGHTWEIGHT CONCRETE

Ўзбекистонда енгил бетонлар учун ғовак тўлдирувчилардан фақатгина керамзит гравийи кенг кўламда ишлаб чиқарилади лекин афсуски унинг сифати ва ҳажми келажакда фуқаролик ва саноат объектларининг саноат қурилиши режасининг бажарилишини таъминлай олмайди, чунки уни ишлаб чиқариш учун лой захиралари чекланган ва механик мустаҳкамлиги паст. Ғовакли тўлдирувчиларнинг умумий ишлаб чиқаришида етакчи ўринни (80% га яқин) юқори энергияли керамзит эгаллайди. Бироқ, МДҲдаги ҳозирги иқтисодий ва экологик шароитда уни ишлаб чиқариш ва фойдаланиш улуши сезиларли даражада камайишини кутиш мумкин.

Юртимизда бунёдкорлик ишлари кун сайин кенг ривожланиб, янги бино ва иншоотлар, кўп қаватли турар жойлар, маданий-маиший объектлар, йўллар кўприклар ва бошқа объектлар жадал суръатларда қурилиши билан бирга, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ҳам кенг кўламда қурилиб, ишга туширилмоқда. Қурилиш қанча кўп бўлса, қурилиш материалларига бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам шунчалик кўпаяверади.

Ўзбекитон Республикаси Президентининг 2019 йил, 23 майдаги "Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ 4335-сонли қарорига мувофиқ Республикамизда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган қурилиш материаллари саноатидаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хомашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини ошириш мақсадида 2019-2025 йилларда маҳаллий хомашё геология-қидирув ишларини олиб бориш, қазиб олиш ва қайта ишлаш асосида қурилиш индустриясининг хомашё базасини кенгайтириш прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2019-2025 йилларда диверсификация қилиш ва маҳсулот турларини кенгайтириш ҳисобига қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалалари ўз ечимини кутиб турган муоммолардан бири эканини эътиборга олган ҳолда ҳозирга кунда Ўзбекистон Республикаси худудида енгил ғовак тўлдирувчилар ишлаб чиқариш учун хом ашё базаларини, маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда енгил ғовак тўлдирувчиларни ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш талаб этилади.

Ўзбекистонда ғовак тўлдирувчилардан фақатгина керамзит гравийи кенг кўламда ишлаб чиқарилади лекин афсуски унинг сифати ва ҳажми келажакда фуқаролик ва саноат объектларининг саноат қурилиши режасининг бажарилишини таъминлай олмайди, чунки уни ишлаб чиқариш учун бетонит гил захиралари чекланган ва механик мустаҳкамлиги паст. Шу сабабли, қурилиш учун маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидан тайёрланган сунъий ғовакли тўлдирувчилар асосидаги енгил бетон муҳим аҳамиятга эга, бу хом ашё базасини сезиларли даражада кенгайтириши ва уларни ишлаб чиқариш таннархини пасайтириши мумкин .

Республиканинг кўпгина минтақаларида ностандарт хом ашёнинг улкан захиралари мавжуд: бархан қумлари, саноат чиқиндилари, бунинг асосида сунъий

ғовак тўлдирувчиларнинг янги турлари - керампорит , кампорит , карбопорит ва бошқалар олинган [1]. Шу билан бирга , Ангрен ҳавзасидаги захиралари ўнлаб миллион тоннани ташкил этадиган квартц порфирлари ва карбонланган гил мавжуд бўлиб, улар хали илмий жихатдан ўрганилмаган.

Ғовакли тўлдирувчиларнинг умумий ишлаб чиқаришида етакчи ўринни (80% га яқин) юқори энергияли керамзит эгаллайди. Бироқ, МДҲдаги ҳозирги иқтисодий ва экологик шароитда уни ишлаб чиқариш ва фойдаланиш улуши сезиларли даражада камайишини кутиш мумкин (хорижий мамлакатларда бўлгани каби).

Керамзит илмий-тадқиқот институти керамзитнинг уйма зичлигини ўртача 500 дан 400 кг/м^3 гача, хом ашёсиз, ўчоқ бўшлиғида чанг гранулаларини тозалаш ва чиқинди газларни қайта ишлатиш учун камайтириш усуллари ва тавсияларини ишлаб чиқди .

Стромпроект илмий тадқиқотлар институттида икки барабанли печлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар 400 дан 600 кг/м^3 гача маҳсулот ишлаб чиқаришни ва ёқилғини ҳар 1 м3 да 15% га камайтириш шу билан бирга керамзит тан нархини 1,5 баробарга пасайтириш имконини беради.

Металлургия ва кимё корхоналарининг шиша чиқиндиларидан зичлиги 430-765 кг/м^3 ва сиқилишга бўлган мустахкамлиги цилиндрда 3,7-13,8 МПа бўлган ғовак тўлдирувчилар ишлаб чиқарилади.

Керамзит ва аглопорит ишлаб чиқариш учун хом ашё захираларининг камлиги сабабли Ўзбекистонда Тошкент Политехника Университети, (ҳозирги кунда ТАҚИ) саноат чиқиндилари ҳамда маҳаллий хом ашёлар асосида бошқа турдаги ғовак тўлдирувчилар - керампорит, кампорит, кварцопорит, стеклопорит ва карбопорит ишлаб чиқариш каби долзарб муоммолар юзага келмоқда.

Ҳозирги қурилиш ишлари республикамизни кенг масштабда қамраб олаётган бир пайтда саноат, турар жой, жамоат биноларининг қурилиши учун хом ашёга бўлган улкан талаб кун сайин ўсиб бормоқда. Кенг қамровли қурилишларда энг оммобоп усул бу - монолит конструкциялардан фойдаланиш эканлигини ҳисобга олсак, конструкциялар тайёрлашнинг моддий қиймати ва конструкциянинг ўз - ўзини кўтариш қобилиятининг юқорилиги бўлиши долзарб муоммолардан бири ҳисобланади. Енгил бетонлар ва улар учун қўлланиладиган ғовак тўлдирувчиларнинг афзаллик томонлари шундан иборатки, улар конструкциянинг оғирлигини 25-40% гача тушириш, бино тан нархини, хом ашё ва портландцемент сарфини камайтиради шу билан бир қаторда энергия сарфини тежаш имконини беради. Физик-механик жиҳатдан оловбардош, иссиқлик ва товуш ютувчанлик хусусиятлари юқори ҳамда чиришга юқори чидамли материал ҳисобланади.

Керамзит шағали кўпчийдиган гиллардан тайёрланган доначаларни куйдириш йўли билан олинади. Бу енгил ва мустаҳкам тўлдирувчининг уйма ҳажмий массаси 250-800 кг/м^3 атрофида. Керамзит шағалининг ички тузилиши қотган кўпикка ўхшайди. Шағал донаси сиртини қоплаган қотган қобиқ унга юқори мустаҳкамликни беради. Осон эрувчан гил 1200°С ҳарорат куйдириш жараёнида пиро-пластик ҳолатга ўтади ва ҳар бир донача ичида газ ҳолатидаги маҳсулотлар ажралиб чиқиши натижасида кўпчийди. Улар слюда минераллари таркибидаги сувнинг парчаланиши ва органик қўшимчаларнинг куйиши натижасида ҳосил бўлади. Керамзит енгил тўлдирувчиларнинг асосий тури бўлиб, жуда енгил ва юқори мустаҳкамликка эга. Керамзит қуми (ўлчамлари 5 мм гача) керамзит шағалини

ишлаб чиқариш жараёнида (элашдан кейин) олинади. Бундан ташқари, доналарининг ўлчамларини 5 мм дан юқори бўлган керамзит шағалини ва куйдириш пайтида керамзит шағалини бир-бирига ёпишиб қолиши натижасида ҳосил бўлган катта бўлакларни майдалаб керамзит қумини олиш мумкин. Шлакли пемза металлургия шлаклари эритмасини тез совутиб олинади. Шлакли пемза бўлакларини майдалаш ва элаш билан чақиқ ғовак тош ҳосил қилинади. Металлургия заводлари жойлашган худудларда шлакли пемзанинг нархи керамзитга нисбатан бир неча маротаба арзон. Шу сабабли пемзани енгил бетонларда ишлатиш катта иқтисодий аҳамиятга эга. Донадор металлургия шлаклари 5-7 мм ўлчамли йирик қумлар кўринишида олинади ва енгил бетонларда майда тўлдирувчи сифатида ишлатилиши мумкин. Кўпчитилган перлит ва вермикулит табиий перлит ёки вермикулитни 900-1200°С ҳароратда куйдириб олинади. Бундай тўлдирувчиларнинг ҳажми термик ишлов бериш пайтида 10-20 баробар катталашиши натижасида, уйма ҳажмий массаси жуда кичик бўлади. Енгил тўлдирувчилар ўлчамлари, уйма зичлиги, ғоваклиги ва бошқа кўрсаткичлари бўйича шу ашёларга тегишли техник талабларни қониқтириши керак. Йирик ва майда тўлдирувчиларнинг нисбий миқдорини камайтириш мумкин. Бу эса енгил бетон таркибига ишлатиладиган цемент миқдорини тежашга ва бетоннинг техник хоссаларини яхшилашга олиб келади. Енгил темирбетон қурилмаларда ишлатиладиган ғовак тўлдирувчиларнинг таркибидаги сувда эрувчан сульфат кислотаси тузларининг (SO_3 нисбатан ҳисобланганда) миқдори тўлдирувчининг массасига нисбатан 1% дан ошмаслиги керак.

Юқоридаги кўрсаткичларни ҳисобга олиб энг оммобоп табиий хом ашё сифатида таркибида цеолит бўлган жинсларни олиш мумкин, улар 1100-1200° С да пиширилганда шишиб структурасида ғоваклик ҳосил бўлади. Ҳозирги кунда грануллланган пеноцеолит олиш учун пишириш ҳароратини 850° С га тушириш учун изланишлар олиб борилмоқда. грануллланган цеолитлар хусусиятларини ўрганиш бўйича изланишлар натижасида хом ашё таркибида турли кўмир қўшимчалар, шу билан бирга биржинслиликни таъминлайдиган оптимал миқдор мавжуд аниқланган [3].

Тўлдирувчилар сифатини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш технологиясини муқобиллаштириш юзасидан хориж мамлакатларида бир қанча ишлар олиб борилмоқда.

Буюк Британияда ҳозирги кунда ғовак тўлдирувчиларнинг 3 тури ишаб чиқарилаётган бўлиб, улар керамзит қоришмаси асосида "Leca", аглопорит асосида "Aglite" ва учувчан кул асосида "SYTONG". Бу мамлакатда йиғма ва монилит темирбетон конструкцияларнинг ярмидан кўпи енгил тўлдирувчилар асосида тайёрланадиган бўлиб, уларнинг уйма зичлиги 300 дан 900 кг/м^3 бўлган бир нечта турлари мавжуд.

Америка Қўшма Штатларида печга киргунга қадар оловбардош кукун билан қопланган сочилувчан перлитдан тайёрланган енгил ғовак тўлдирувчилар ишлаб чиқарилади. "Solite" Америка фирмаси коррозия, турли доғлар ва ёйилиб кетишни олдини олиш мақсадида таркибида органик моддалар бўлмаган сланец қоришмаси ва лой ва слюда асосида тўлдирувчилар тайёрлайди.[3].

Юртимизда ва хориж мамлакатларида олиб борилган ишларнинг адабий таҳлилида ғовак тўлдирувчилар ва улар асосидаги енгил бетонлар ишлаб чиқаришда ҳозирги кунга қадар кварц порфирларидан фойдаланилмаганини кўришимиз

мумкин.

Енгил бетоннинг хусусиятлари унинг таркибида бирга қўлланиладиган ғовак тўлдирувчилар хоссалари билан узвий боғлиқ. Юқоридаги келтирилган маълумотларни, бугунги кунда Республикамиз ҳудудида ғовак тўлдирувчилар ишлаб чиқариш учун маҳаллий ва табиий хом ашёлар миқдори жуда камлиги, мавжуд ғовак тўлдирувчиларнинг механик жиҳатдан мустахкамлиги пастлигини ҳисобга олиб, қурилиш саноатида янги турдаги сунъий ғовак тўлдирувчилар ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1.Ботвина Л.М., Биляев К.Б. Пористый заполнитель для легкуого бетона / Строительство и Архитектура Узбекистана - Ташкент. 1976. № 6, 12-13с.
2.Онацкий С.П. Производство керамзита - Москва.: Стройиздат. 1987. 333с.
3.Шакиров Т.Т. Технология получения пористогозаполнителя из кварцевовго порфира и отхода угледобычи для легкого бетона / Автореферат.дисс.канд.тех.наук. -Ташкент ТАСИ. 2010. 18с.

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

Исломов Ў.П.,
Миржалолов Н.Т.,
Жураев А.Ю.,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти,
Тошкент, Ўзбекистон

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШДА ГЕОДЕЗИК ИШЛАР

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9696-2019-4-6

АННОТАЦИЯ

Халқ хўжалигидаги ҳар хил масалаларни ечиш мақсадида ер сиртидаги ўлчашлар, улар натижаларини ишлаб чиқиш, план, карта ва профиллар тузиш, ер учаскаларини рўйхатга олишда геодезик ишлар аҳамияти катта.
Калит сўзлар. Ер участкасини мониторинг қилиш, ижарага олиш ҳуқуқларини расмийлаштириш, замонавий геодезик ишлар, ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар.

АННОТАЦИЯ

В целях решения различных вопросов в народном хозяйстве большое значение имеют геодезические работы по учету земельных участков на поверхности Земли, разработка их результатов, создание планов, карт и профилей.
Ключевое слово. Мониторинг земельного участка, оформление прав на аренду, современные геодезические работы, права на земельные участки.

ANNOTATION

In order to solve various issues in the national economy, surveying on the Earth's surface, the development of their results, the creation of plans, cards and profiles, geodesic work in the registration of land u?asks is of great importance.
Keywords. Monitoring of the land plot, formalization of the rights to rent, modern Geodetic works, rights to land plots.

Ҳозирги кунда ер участкасига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш маълум бир ер участкасидан фойдаланиш, ижарага олиш ҳуқуқларини расмийлаштириш ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги маълумотларни қабул қилинган хужжатларда қайд қилиш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади. Бунда дастлабки хужжатлари ер участкаларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги

маълумотлардан иборат бўлади. Аммо, ердан фойдаланиш маълум бир мақсадга йўналтирилганлиги ҳамда маълум ҳудуд ва аниқ субъект билан боғлиқ бўлганлиги сабабли у ўз ичига ер участкаларининг хўжалик ҳолати, жойлашган ўрни ва ердан фойдаланишнинг ўлчамлари тўғрисидаги маълумотларни олади.

Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси" нинг 15-моддасига ҳамда "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги қонуннинг 3 -моддасиги биноан " Давлат ер кадастри давлат кадастрларининг ягона тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланиб, у ерларнинг табиий, хўжалик, ҳуқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиймати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда хужжатлар тизимидан иборат. [1]

Давлат ер кадастри ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказишни амалга ошириш билан бир қаторда миқдори ва сифатини ҳисобга олишни, тупроқ бонитировкасини, ерларнинг қиймат баҳосини, шунингдек ер кадастрига доир ахборотларни бир тизимга солиниши, сақланиши ва янгилаб туришни ўз ичига олади.

Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузишни ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир.

Давлат ер кадастри қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш;
- ер майдонларини миқдор ҳамда сифат жиҳатдан ҳисоб қилиш;
- тупроқ бонитровкаси ва ерларни иқтисодий баҳолаш.

Давлат ер кадастрининг асосий таркибий қисмларидан бири ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш - ер майдонларини ҳуқуқий жиҳатдан хўжалик ҳолатини таъминлайдиган тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Бу тадбир ер - мулкларни, ердан фойдаланувчиларнинг чегаралари бўйича ерларни маълум субъектларга қонуний бириктириб қўйиш фойдаланиш ҳуқуқларини берувчи давлат хужжатларини топшириш, субъектларни туман (шаҳар) Давлат ер кадастри китобига қайд қилишни ўз ичига олади.

Хўжалик ёки корхона, муассаса ва ташкилотларни ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхат қилиш давлат ер кадастрининг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. Рўйхатлаш маълум бир ер участкасига мулкдорлик, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқини расмийлаштириш ҳамда давлат миқъёсида қабул қилинган ягона шаклдаги хужжатларда акс эттириш бўйича ҳуқуқий тадбир ҳисобланади. Ер участкасига булган ҳуқуқларни рўйхатга олиш ер ҳисоби билан узвий боғланган ҳолда олиб борилади.[2]

Ҳозирги кунда ер участкаларини рўйҳатга олишда замонавий махсус геодезик асбоблар ёрдамида ер сиртида ўлчашларни бажариш усулларини ўрганиш, ўлчаш натижаларини замонавий техник воситалари ва ЭХМ ёрдамида ишлаб чиқиш усулларини ўрганиш, график чизмалар (карта, план ва профил) ни тузиш ва расмийлаштириш усулларини ўрганиш, турли инженерлик масалаларни ечишда ўлчаш натижалари ва график чизмаларни қўллаш зарурдир. Қуйидаги расмда қишлоқ хўжалиги ерларини рўйхатга олишда замонавий геодезик асбоблардан

фойдаланиш лойихаси кўрсатилган.

1-расм: Ер участкаларини рўйхатга олишда электрон тахеометрдан фойдаланиш



Хулоса қилиб айтадиган бўлсак ҳозирги кунда халқ хўжалигида ер кадастри ишларини бажаришда замонавий геодезик асбобларсиз, ер сиртидаги ўлчаш ишларини олиб боришни тассавур қилиб бўлмайди. Айниқса жойларнинг топографик планларини тузишда электрон тахеометрлардан ишлаб чиқаришда фойдаланишда кенг қўланилмоқда.Электрон тахеометрдан фойдаланишдан асосий мақсад ўлчаш аниқлигини юқорилиги, ўлчаш вақтини кам сарфланиши, ўлчаш ишларини юқори сифатларда бажарилишига қаратилган. Ер кадастри планларни тузишда расмий талаблар ва тегишли масштабдаги план ва карталар учун қабул қилинган шартли белгилардан фойдаланилади. Махсус мазмунли айрим элементлар ер тузиш ва ер кадастри учун қабул қилинган шартли белгилар билан кўрсатилади, айрим шартли белгилар тузилаётган план учун махсус ишлаб чиқарилиши мумкин. Ердан фойдаланиш ташқи чегараси ва бегона ердан фойдаланувчилар чегаралари бурилиш нуқталарининг координаталари бўйича планга туширилади. Ер тузиш ва

ер кадастр ишларини бажаришда фойдаланилаётган план ва карталарда тасвирланган жойнинг тез ўзгариши уларни мазмунини доимий равишда янгилаб туришни талаб қилади. Айрим ҳудудларда съёмка ишлари бир-икки йил олдин бажарилган бўлса ҳам уларни янгилашга тўғри келади. Ушбу ишларни тез ва юқори аниқликда бажаришда электрон тахеометрлар мухум ахамиятга эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси". Т.:Ўзбекистон, 1998 йил.
2.Ўзбекистон Республикасининг қонуни. "Давлат ер кадастри тўғрисида. Т. Ўзбекистон, 1998 йил.
3.Ҳ.Мубораков. Геодезия. Т., Ўқитувчи, 2007 йил.
4.www.google.rucайти.

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

Нугманов Азамат Акмал ўғли
магистрант
Хасанова Махфуза Шухратовна
кандидат технических наук, доцент
Набиев Набижон Дониёрович
ассистент
Ташкентский институт текстильной и
легкой промышленности, Ташкент, Узбекистан

ИЗУЧЕНИЕ ПРОЦЕССА КРАШЕНИЯ СМЕСЕВЫХ МАТЕРИАЛОВ СОВМЕЩЕННЫМ РАСТВОРОМ КРАСИТЕЛЕЙ

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9696-2019-4-7

АННОТАЦИЯ

В статье изучен процесс использования совмещенного раствора красителей при крашении смесевых материалов на основе бамбуковой вискозы

Ключевые слова: смесевой материал, бамбуковая вискоза, полиэфирное волокно, раствор, прямой и дисперсный краситель, оптическая плотность

Нугманов Азамат Акмал ўғли
магистрант
Хасанова Махфуза Шухратовна
техника фанлари номзоди, доцент
Набиев Набижон Дониёрович
ассистент Тошкент тўқимачилик ва
енгил саноат институти, Тошкент, Ўзбекистон

БЎЁВЧИ МОДДАЛАРНИНГ БИРЛАШТИРИЛГАН ЭРИТМАСИДА АРАЛАШ ТОЛАЛИ МАТЕРИАЛЛАРНИ БЎЯШ ЖАРАЁНИНИ ЎРГАНИШ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таркибида бамбук вискозаси бўлган аралаш толали материалларни бўяш учун, бўёвчи моддаларнинг бирлаштирилган эритмасидан фойдаланиш жараёнлари ўрганилган

Калит сўзлар: аралаш тоалали мато, бамбук вискозаси, полиэфир тола, эритма, бевосита ва дисперс бўёвчи модда, оптик зичлик.

Nugmanov Azamat Akmal ugli
master
Khasanova Makhfuza Shukhratovna
candidate of technical sciences, associate professor
Nabiev Nabizhon Doniyorovich
assistant Tashkent Institute of
Textile and Light Industry, Tashkent, Uzbekistan

STUDY OF THE PROCESS OF DYEING MIXTURE MATERIALS WITH THE COMBINED SOLUTION OF DYES

ANNOTATION
The article studies the process of using a combined dye solution for dyeing mixed materials based on bamboo viscose
Keywords: mixed material, bamboo viscose, polyester fiber, solution, direct and dispersed dye, optical density

Производители текстильных тканей выпускают смесовые ткани, вырабатываемые из нескольких видов волокон или нитей, благодаря чему, можно получить в одной ткани набор желаемых свойств, создать уникальное сочетание преимуществ. Для исследования колористических свойств были выбраны смесовые ткани из бамбуковой вискозы и полиэфирных волокон, в которых представлены лучшие эксплуатационные свойства и физико-механические характеристики.

От бамбуковой вискозы смесовые ткани берут высокую воздухопроницаемость и гигроскопичность: ткань дышит и хорошо впитывает влагу, что создает комфорт в носке. От полиэфира - низкую усадку: одежда сохранит свои первоначальные размеры, несминаемость, высокую формоустойчивость.

Соотношение исследуемой ткани составляет из 85% бамбуковой вискозы 15% полиэфирного волокна.

Высокие потребительские свойства смесовых тканей зависит не только от смешения натуральных и синтетических волокон, но и качественной химической отделки.

Для изучения состояния и взаимодействия дисперсного и прямого красителей в красильном растворе в зависимости от их концентраций и соотношений были сняты кривые поглощения индивидуальных растворов дисперсного желтого, прямого желтого и их смесей на спектрофотометре "Minolta", при 25 +0,50С.
Сравнение спектрального поглощения растворов красителей показывает что при увеличении концентрации дисперсного красителя в пять раз достаточное количество красителя находится в мономолекулярной форме, т.е хотя происходит уширение графика, но максимум поглощения сохраняется.

Кроме того, в зависимости от концентрации красителя в растворе имеются определенная часть индивидуальных красителей в агрегированном виде с различной степенью агрегации.

Увеличение интенсивности поглощения в области длинных волн более заметно, чем в области коротких. Это свидетельствует о росте ассоциации преимущественно за счет красителя, находившегося до введения электролита в мономолекулярном состоянии. Известно, что агрегация прямых красителей в растворе усиливается при добавлении электролита. Увеличение концентрации электролита сильно изменяет, спектры поглощения красильного раствора.



Зависимость оптической плотности водных растворов красителей.

1- дисперсный желтый 2- прямой желтый

Добавление электролита в смесевой раствор дисперсного и прямого красителя, по-видимому, изменяет структуру комплексов.

В смесевых растворах "дисперсный-прямой краситель" соотношении 1:5, 1:6,6 также происходят изменения в том же направлении, но менее существенно. Дальнейшее повышение концентрации дисперсного красителя в смеси (1:8) приводит к высаливанию красителей, интенсивность раствора резко падает.

Спектрофотометрическими исследованиями показано, что агрегативная устойчивость золей носит экстремальный характер. Система имеет большую подвижность до соотношения красителей 1:5 в присутствии электролита и до 1:4 без него.

По результатам экспериментальных данных была выбрана кювета №3. Установлено, что 0,5% и 2%-ные растворы обеих красителей имеют оптическую плотность в пределе 0,1-1,0 при длине волны 585-620 нм. Результаты экспериментов показали, что в растворах (0,5%-ные), состоящих из следующих соотношений 60:40, 70:30, 80:20 и 90:10 выпадает осадок сразу после их приготовления. Растворы смеси красителей 40:60 и 50:50 показали устойчивость во времени и температурной обработке (наблюдения в течении часа, при 96-980С), но после истечения одного часа температурного воздействия в растворах образовался осадок в виде хлопьев. Было установлено, что смесевые растворы красителей при соотношениях 10:90, 20:80, 30:70 устойчивы изученным воздействиям.

Выбранными соотношениями красителей были окрашены образцы смесевой ткани на основе бамбуковой вискозы и полиэфирных волокон, по методикам крашения прямого и дисперсного красителей. По методике прямого красителя в соотношениях 20:80 и 30:70 обе компоненты смесевой ткани имеют близкую интенсивность окраски.

Таким образом, в результате исследований по изучению совместимости прямых и дисперсных красителей установлено целесообразность применения красителей соотношения 20:80 и 30:70 для крашения смесевых материалов на основе бамбуковой вискозы и полиэфирных волокон.

Литература

1.http://tekhnosfera.com/razrabotka-nauchno-obosnovannoy-tehnologii-krasheniya-smesovyh-volokon-kubovymi-krasitelyami

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

Р.С. Шукуров
БухДУ доценти
Г.М. Акрамова
БухДУ ўқитувчиси

ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР ОРҚАЛИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУҲИМ ОМИЛ СИФАТИДА

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9696-2019-4-8

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада умумтаълим мактаби ўқувчиларини ҳаракатли ўйинлар орқали соғлом турмуш тарзини шакллантириш муҳим омили сифатида жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинларни самарали қўллаш, ташкил этиш ва ўтказиш, ўқувчи - ёшларни ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлишида ўйинларнинг ўрни,аҳамияти ва афзалликлари каби масалалари ёритилган.

Таяч сўзлар: сифат, элемент, тезлик, ўсмир, рол, эътиқод, онг, восита, ўйин, метод, техник, тактик,усул, респондент, жинс, қобилият, эҳтироз.

АННОТАЦИЯ

В этой статье школы подвижных игр в качестве важного фактора в формировании здорового образа жизни через уроки физического воспитания игры, мероприятия, организация и проведение студентов - молодых людей во всех аспектах здорового, гармоничного и важности роли, которую играет преимущества, такие вопросы.

Ключевые слова: качество, элемент, скорость, молодость, роль, религия, ум, СМИ, развлечение, метод, техническая, тактическая, методы, респонденты, пол, способность, страсть.

ANNOTATION

This article highlights the importance of the effective use, organization and conduct of physical games in physical education classes, as well as the role, importance and benefits of games for the overall health of young people as a key factor in shaping healthy lifestyles for high school students.

Keywords: Quality, element, speed, adolescent, role, belief, mind, motor, play, method, technique, tactic, method, respondent, gender, ability, passion.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлабоқ таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни шакллантириш, таълим тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, мактабда таълим-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш муаммолари давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди.

Республикамизда ушбу йўналишларда муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва улар соғлом авлодни ижтимоий-маънавий муҳофаза этиш ҳолатининг сифат кўрсаткичларини кескин оширишга асос бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги, Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-3031-сон Қарорлари шулар жумласидандир.

Ҳукуматимиз томонидан маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш соҳасида амалга оширилаётган мазкур устувор йўналишлар жамиятнинг барча институтларидан шу жумладан, таълим тизимининг муҳим бўғини ҳисобланган мактаб таълими муассасалари ушбу масалаларга масъулият билан ёндашишни тақозо этади. Маънавий ва жисмоний соғлом авлод тарбияси негизида соғлом турмуш маданияти қирралари асосий мезон ҳисобланади. Ушбу мезонлар эса ўқувчиларда мактаб давридан бошлаб фаол шаклланади. Бироқ, тадқиқотларнинг кўрсатишича, мактаб таълими муассасаларида ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш самарадорлигини таъминлашга салбий таъсир этувчи баъзи камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан, айрим туман ва шаҳарларда ҳамда аҳолиси зич жойлашган чекка қишлоқ ҳудудларда жисмоний тарбия дарсларини самарали ташкил этиш, ўқувчи - ёшларни бўш вақти унумли ташкил этишдаги, уларни қизиқишларини инобатга олиб, дарсдан кейин ташкил этиладиган спорт турлари бўйича тўгаракларга йўналтириш каби бир қатор камчиликларни бартараф этиш бугунги кунда ўз ечимини топиши керак бўлган долзарб масаладир.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдида турган асосий вазифа бу аҳолини соламатлиги мустаҳкамлаш ва айни ёшлик чоғидан бошлаб соғлом турмуш тарзи тамойилларига ўргатиш, кўникмаларини шакаллантиришда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенг жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Шундай экан ўқувчи - ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ҳаракатли ўйинлар муҳим восита эканлигини назарий чуқур ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Узлуксиз таълим жараёнини амалга ошириш давомида ёшларимизни соғлом турмуш тарзига интилиши кўникмаларини шакллантириш ҳисобига нафақат саломатлигини мустаҳкамлаш, балки барча эзгу ниятлари рўёбга чиқади. Чунки ёш авлоднинг тани соғлом бўлгани сайин унинг ақли ва тафаккурлаш қобилияти тиниқлашади, яъни маънавий пок ва жисмонан бақувват авлод тарбияланган бўлади. Келажак авлодни соғлом, жисмоний жиҳатдан етук бўлиб етишишида, айниқса ўқувчи ёшларни ҳаракатли ўйинлар орқали тарбиялаш муҳим восита саналади. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш, ўқувчи - ёшларини жисмоний тайёргарлик даражасини ва соғлигини мустаҳкамлашда, ҳаёти давомида қийинчиликларни енгишда айниқса, соғлом

ҳаёт кечиришида, ҳаракатли ўйинлардан унумли фойдаланиш ўта аҳамиятли педагогик муаммо саналади.

Соғлом турмуш тарзи маданиятининг асосий воситаси ҳақида мутафаккир бобомиз Абу Али Ибн Сино "Бадан тарбия кишини чуқур ва кетма - кет нафас олишга мажбур қилувчи ихтиёрий ҳаракатдир" деб таъкидлайдилар (4).

Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асосий омили ҳисобланган жисмоний тарбия ва унинг аҳоли ўртасида тарғибот қилиш масалалари бўйича республикамиз олимлари И.А.Кошбахтиев 1995; Р.С.Саломов 2003; Э.А. Сейтхалилов 2000; Т.С. Усмонходжаев 1992; Р.Д. Холмухаммедов 1990; Р.М. Маткаримовлар ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

О.А.Рисхиева (1982), Ф.Насриддинов, Ф.А.Керимов (2004), Т.С.Усмонхожаев (2006), Д.Д.Шарипова (2010) ва бошқа соҳанинг Республикамиздаги етакчи олимларининг СТТ нинг мазмуни, унинг жамият аъзоси ҳаётидаги аҳамиятига оид мақолалари, рисола ва ўқув қўлланмалари мавжуд.

Республикамизда ҳаракатли ўйинларни ўрганиш ва ривожлантириш оммалаштириш, ўқувчи - ёшлар ҳаётида ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти Ф.Н.Насриддинов, Т.С.Усмонхўжаев,Ф.Хўжаев, К.Рахимқулов, Б.Нигманов А.Ш.Қосимов,Б.Б.Кипчаков, О.О.Пўлатов, Ғ.М.Салимов, Р.А.Қосимова, М.А.Қурбонова, Ф.Қ.Ахмедов, М.У.Қосимовалар ва бошқалар илмий - тадқиқот ишлари ҳамда ўқув - методик, ўқув йўлланма ва дарсликлар нашр эттирилган.

Ҳаракатли ўйинлар ўзига хос бўлиши мумкин. Жамоа бўлиб ўйналадиган (гурух) ҳаракатли ўйинлар алоҳида педагогик аҳамиятга эга. Жамоа бўлиб ўйналадиган ҳаракатли ўйинлар ҳар доим мусобақалашиш элементи ўзига хос бўлиб, ҳар бир киши ўзи учун ёки ҳар бир киши ўз жамоаси учун, шунингдек, белгиланган мақсадга эришишида қизиқишни уйғотишда бир-бирига ёрдам



бериш, ўзаро ёрдамдан иборат бўлади. Жамоа ўйинлари учун ўзига хослиги шундаки, ўйинда ҳамма вақт холатнинг ўзгариб туриши, ўйинчилардан тезлик реакцияси талаб қилинади. Бироқ ҳаракатли ўйинлар мажмуаси бўйича мусобақа ўтказишнинг педагогик қиммати шундаки, бунга ҳар хил жисмоний сифат ва малакаларни тарбиялашга ёрдам берадиган, турли-туман ўйинлар киритилади. Ҳаракатли ўйин мажмуаси бўйича ўтказиладиган мусобақада ҳар хил ёшдаги болалар, ўсмирлар, ёшлар ва катталар қатнашишлари мумкин. Шуни алоҳида такидлаш жоизки, ҳаракатли ўйинлар методик жихатдан ўзига хос бўлади. Яъни:

Ҳаракатли ўйинлар нафақат восита бўлади, балки болани жисмоний тарбия методи бўлиб ҳам хисобланади. Ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбия ва ўйин методи воситаси сифатида жисмоний сифатларни такомиллаштиришга ва тарбиялашга ёрдам беради. Бундан ташқари, ҳаракатли ўйинларда гимнастика, енгил атлетика, кураш ва бошқа спорт турлари машғулотларида алоҳида малака ва кўникмаларни ҳамда табиий ҳаракатларни мустахкамлайди ва такомиллаштиради. Шу ўринда ўқувчиларнинг барча ўқув фанларига хос бўлган ақлий ва жисмоний ҳаракатлардан ташкил топган ўқувчи фаолиятининг усули сифатида қараладиган умумўқув кўникмаларини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом ва бақувват қилиб тарбиялаш ҳозирги кунда долзарб муаммо сифатида қаралади. Жисмоний тарбия бутунлигича ҳаётнинг ҳамма ёш даврларини қамраб оладиган узлуксиз жараён сифатида қаралади.

Ёшларимизнинг бахт- саодатга эришишини таъминлаш учун уларнинг ҳаёт фаолияти давомида, соғлом турмуш тарзига интилишини шакллантирилиши муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда, ўқувчи- ёшларимиз онгига турли иллатлардан узоқ юриш, жисмоний тарбия ва спорт турлари билан машғул бўлиш каби ижобий фикрларни сингдириш долзарбдир.

Жисмоний тарбия ва спортнинг мазмунида ҳаракатли ўйинлар ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий - тарбиявий жиҳатлари мавжуд бўлиб, барча таълим муассасаларининг "Жисмоний тарбия" дастурларига ҳаракатли ўйинлар алоҳида бўлим қилиб киритилган. Ҳаракатли ўйинларни мақсадли равишда танлаш ва ўргатиш ёшларни ҳар томонлама тарбиялашнинг асосий мезони ҳисобланиб, касб - ҳунар билан боғлаш ҳозирги давр таълим - тарбия жараёнларининг самарадорлигини оширади.

Ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбиянинг муҳим турларидан бири бўлиб, мазмун ва мақсад жиҳатдан мақомга эга. Ҳаракатли ўйинларни таълим муассасаларида ташкил қилишнинг асосий мақсад вазифалари шундаки, саломатлигни яхшилаш, ўқувчиларнинг камолотини ўстириш, соғлом турмуш тарзига завқли дамларини кўпайтиришга қаратилган. Шуни алоҳида такидлаш жоизки, ҳаракатли ўйинларни ташкил қилишда ўқитувчи, мураббийлардан ижодий ёндашишни талаб қилинади. Ўқувчи - ёшлар ҳаракатли ўйинларни кўпроқ ўрганиб, уларни амалда қўллаш усулларини пухта ўзлаштириб олиши мақсадга мувофиқ бўлиб, ўқувчи-ёшларнинг чинаккам баркамол, соғлом бўлиб етишишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳаракатли ўйинлар мазмунида миллий қадрятлар, меҳнат самарадорлигига эришиш, Ватанга садоқат, соғлом турмуш тарзи, ёшларни тарбиялаш, руҳий озиқа олиш каби инсоний фазилатлар тўла мужассамлашган. Бироқ ўқувчи - ёшларни жисмоний тарбия дарсларига тўлақонли жалб қилиш, ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиб ўтказишда қизиқишини ошириш, ўйинлар воситасида

соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом ҳаёт кечириш кўникмаларини шакллантириш, жисмоний сифатларини ривожлантириш ва дарсларда ҳаракатли ўйинларни қўлланилишига оид муаммоларни ўрганиш мақсадида 50 нафар мактаб ўқувчилари ўртасида сўровнома ўтказдик (сайланма усул тариқасида).

(1- жадвал)

Т\р	Саволнома	Ҳа	Йўқ	Қисман
1	Жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиб ўтказилиши сизни қониқтирадими?	19	27	4
2	Жисмоний тарбия ўқитувчингиз ҳаракатли ўйинларнинг мазмун моҳиятини тушунтирадими?	16	24	10
3	Дарсдан ташқари ўтказиладиган спорт тўгаракларида, сиз танлаган спорт тури машғулотларида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланилардими?	17	29	4
4	Ҳаракатли ўйинларни соғлигингизни мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида фикрингиз?	44	4	2
5	Жисмоний сифатларни ривожлантирувчи ҳаракатли ўйинларни билисизми?	19	26	5
6	Ўзбек миллий ўйинларини билисизми?	16	28	6

Ўқувчилар иштирокида ўтқазилган сўровнома натижалари шуни кўрсатадики, турли хилдаги мазмунга эга ҳаракатли ўйинлар респондент ўқувчилар ҳаётида, маънавий ва жисмоний тарбиясидаги аҳамияти сўровнома таҳлилида ўз аксини топди:

Саволномани биринчисида: "Жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиб ўтказилиши сизни қониқтирадими?" - деб берилган саволларга респондентларнинг 21 нафари "Ҳа" жавобини, 23 нафари "Йўқ", 6 нафари эса "Қисман", деб фикр билдиришган.

Саволномани иккинчисида: "Жисмоний тарбия ўқитувчингиз ҳаракатли ўйинларнинг мазмун моҳиятини тушунтирадими?" - деган саволга 29 нафари "Ҳа", 14 нафари "Йўқ" ва 7 нафари "Қисман", деб жавоб берди.

Саволномани учинчисида: "Дарсдан ташқари ўтказиладиган спорт тўгаракларида, сиз танлаган спорт тури машғулотларида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланилармиди? " деган саволга 17 нафари "Ҳа", 29 нафари "Йўқ", 4 нафари "Қисман", деб жавоб беришган.

Саволномани тўртинчисида: "Ҳаракатли ўйинларни соғлигингизни мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида фикрингиз?" деган саволга ўқувчиларнинг 44 нафар ўқувчи соғлиқни мустаҳкамлашда ҳаракатли ўйинларни аҳамияти ҳақида ижобий фикр билан жавоб берган.

Саволномани бешинчисида: ўқувчилар ҳаётида энг муҳим ўрин эгаллайдиган жисмоний сифатларни ривожлантирувчи ҳаракатли ўйинлар ҳақидаги савол эди. Мазкур саволга 19 нафари "Ҳа", 26 нафари "Йўқ", 5 нафари "Қисман" деб жавоб беришган.

Саволномани охиргисида: "Ўзбек халқ миллий ўйинларини биласизми?" - деган саволга ўқувчиларнинг 31 нафари "Ҳа", 12 нафари "Йўқ", 7 нафари "Қисман" деган фикрни билдирган.

